*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**23 апрель**
ЧОРШАНБА
**№ 33** (12669)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 69 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 18 апрель.

---

Таълим

## АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТЯПТИ



**Абдуносир Хўжаев 3 йилдан бери Зангиота тумани қурилиш ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида таълим беради.**

Сув ва газ таъминоти, канализация жиҳозларини монтаж қилиш ва ишлатиш йўналишидаги дарслари ҳам қизиқарли, ҳам мароқли бўляпти.

2012 йили GIZ агентлиги лойиҳаси доирасида Германиянинг Лейпциг шаҳрида малака ошириб қайтди. Энди хорижда ўрганиб келган билимларини амалиётга татбиқ этяпти.

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

---

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

## ЭЪТИБОРДАН ТЕТИК ВА БАРДАМ

**Мамлакатимизда кексаларга, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, улар учун зарур шароит яратиш, моддий рағбатлантириш масалаларига доимий эътибор қаратилмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 18 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони бу борадаги эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

– Ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашда нуроний отахон ва онахонларнинг ҳиссаси катта, – дейди Зангиота туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактаби директори Ирода Усмонова. – Шу боис мактабимизда уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ўтказиш, уларнинг ибратли ҳаёт тажрибасидан ёшлар тарбияси йўлида кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг вилоят бўлимидан маълум қилишларича, бугунги кунда вилоятда 453 нафар уруш қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, байрамларда совға-саломлар улашиш масалаларига алоҳида эътибор берилаётир.

Таълим муассасалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар бўлимлари қошида тузилган гуруҳлар аъзолари ёрдамга муҳтож Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийлари, 100 ёшдан ошган отахону онахонларнинг уй-рўзғор ишларига ёрдамлашиб келмоқда. Зеро, кексаларга кўмаклашиш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни қадрлаш – халқимизга хос эзгу фазилатлардан.

– Туманимизда йигирма нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони истиқомат қилади, – дейди "Нуроний" жамғармасининг Қибрай тумани бўлими раиси Абдусаттор Аҳмаджонов. – Тиббиёт ходимлари томонидан саломатлиги назоратга олинган нуронийлар ҳамда ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз кексаларга тегишли жамоат ташкилотларининг моддий ёрдами кўрсатилмоқда.

Қибрайдаги Салар шаҳарчасида яшовчи Мўмин ота Атакаев бу йил тўқсон баҳорни қаршилади.

– Президентимиз Ислом Каримов томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик туфайли ўзимизни янада тетик ва бардам ҳис қилмоқдамиз, – дейди М. Атакаев. – Давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантиришга оид фармонини ўқиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Мўмин отага ўхшаб кексалик гаштини сураётган ёши улуғларга 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида моддий ва маънавий мадад кўрсатилаётгани уларга янада қувват бағишлайди.

**Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

---

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан вилоят педагогика коллежида ўтказган "Зулфияхоним издошлари" мавзуидаги маънавий-маърифий тадбир ўқувчи-қизларнинг билим ва ҳунар олишга иштиёқини янада кучайтирди, дейиш мумкин.**

## ОРАСТА ҚИЗЛАР – МЕЗБОН

Улар Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари Гулжамол Асқарова, Зебо Нурмонова, Севара Одилованинг чиқишларини мароқ билан тинглашди. Ўз навбатида коллежнинг "Ораста қизлар"и ҳам иқтидорларини намойиш этиб, қатнашчиларга завқ-шавқ бағишлашди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра РАҲМОНҚУЛОВА.**

## ОБОД КОЛЛЕЖНИНГ ИБРАТИ

**Қибрай туманидаги Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Ёшларнинг экологик ва эстетик маданиятини ошириш" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Тадбир доирасида экология мавзуидаги деворий газеталар танлови ҳам уюштирилди. Саҳна кўринишлари даврага файз бағишлади.**

– Коллежда "Ёш экологлар" тўгараги ҳамда жонли табиат бурчаги ташкил этилгани ёшларнинг атроф-муҳитга эҳтиётлик билан муносабатда бўлишга ўргатаяпти, – деди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлим бошлиғи Насима Аҳмедова. – Шунингдек, "2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий дастури"га мувофиқ "Яшил мактаб", "Маҳаллий мактаб кун тартиби – 21" ва "Яшил истеъмолчи" каби лойиҳалар амалга оширилмоқда. Таълим маскани "Энг обод коллеж" номига сазовор бўлди.

Коллеж ҳудудида ташкил қилинган мўъжазгина томорқада ўқувчилар сабзавот экинларини парваришлашяпти. Шунингдек, жамоа иссиқхонада етиштирилаётган лимондан баҳраманд бўлмоқда.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

**Халқ демократик партияси вилоят кенгаши, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Паркент туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Соғлом бола – соғлом оилада камол топади" лойиҳаси асосида ижтимоий ёрдамга муҳтож она ва болалар ҳамда қариялар ва ногиронлар учун "Сўқоқ" қишлоқ врачлик пунктида бепул тиббий кўрикдан ўтказиш акцияси ташкил этилди.**

## САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ

Тадбирда депутатлар, "Фаол аёллар", "Истиқбол" ёшлар қаноти аъзолари, тиббиёт ходимлари иштирок этишди. Икки кун давом этган акцияда 650 она ва бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Шундан 145 нафарига даволаниш учун йўлланмалар берилди.

**Наргис ҲАСАНОВА.**

---

Маънавият

## ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

**Давлатимиз раҳбари айтганидек, "Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, аввалambor, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир.**

Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак". Айниқса, XXI аср юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгича дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассислар асри бўлгани учун бу жуда муҳимдир. Бундай авлодни тарбиялаш бугунги кунда ҳар бир устоз-мураббийдан катта масъулият талаб этади. Шуни назарда тутиб, Президентимиз республикамизда таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш борасида янги ташаббус ва ғояларни мунтазам илгари суриб келмоқда. Бу ташаббуслар амалда ўз тасдиғини топиб, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлаб, жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлаётир.

Таълим тизимининг ягона мақсади ёшларни ҳар жабҳада билимли ва фаол қилиб тарбиялашдан иборат. Бироқ биз бугунги ахборотлашган даврда яшар эканмиз, ундан ҳимояланишимизга ҳам тўғри келади. Бола тарбияси – масъулиятли ва машаққатли вазифа. Давлатнинг кучи, эътибори, маблағи билангина бу масала ҳал бўлиб қолмайди. Бутун халқнинг, ҳар бир фуқаронинг иштироки, жонкуярлиги туфайлигина кўзланган натижага эришиш мумкин.

Бола тарбияси – бутун жамиятнинг иши, айни пайтда ҳар бир фуқаронинг бурчи. Мустақиллик йилларида халқимизнинг азалий анъаналаридан, миллий руҳидан келиб чиққан ҳолда тарбиянинг "Оила – маҳалла – мактаб" тамойили изчил татбиқ этилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки бола оилада камол топади, мактабда таълим-тарбия олади, маҳалла бағрида улғаяди. Оилада тўғри тарбия олса, мактабда намунали ўқувчига айланади, маҳалласида бошқаларга ибрат бўлади. Бу оддий ҳақиқатдир. Лекин шу тизимда оиланинг ўрни ниҳоятда муҳимдир.

Ҳар бир ўғил-қиз илк тарбияни оила бағрида олади. Ота-онанинг феъл-атвори, ахлоқ-одоби, фикри, дунёқараши, ўзаро ва ўзгаларга муносабати бола ақлини таниган пайтдан бошлаб, кўз олдида муттасил содир бўладиган, уни ўйлашга, ўз фикрини мослаштиришга, ёшига мос хулосалар чиқаришга мажбур қиладиган ҳаётий жараёнлардир. Агар ота оқил-доно, билимли, меҳрибон, хонадонига жонкуяр, ўз соҳасига фидойи, қариндош-уруғларига меҳр-оқибатли, қўни-қўшниларга ғамхўр ва эътиборли, она хушмуомала, ширин сўз, чевар, пазанда, саранжом-саришта бўлса, уларнинг ўзаро муносабатида ҳурмат ва эҳтиром, эъзоз ва эътибор балқиб турса, бундай оилада бағри бутун, дили пок, ҳаётга ва дунёга соғлом назар билан қарайдиган маънавий етук фарзандлар камол топади.

*(Давоми 2-бетда).*

---

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

**Ўзбек тилининг янги имло қоидалари босқичма-босқич жорий этилаётган ҳозирги кунда саводсизларча ёзилган реклама ва эълонлар кўпайиб бораётгани кўнгилни хира қилади.**




## ПЕШЛАВҲАДАГИ КЕМТИКЛАР

Оҳангарон тумани Самат (қоида бўйича Самад ёзилиши керак) Раҳмонов кўчасида ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини билмаслик оқибатида хато ва камчиликлар билан битилган турли ёзувларга гувоҳ бўлдик. Масалан, "Адвокатура – фуқаро ва юридик шахсларга ҳамма саволлар бўйича, **дасталабки** терговда ва судларда юридик **ҳизматини курсатади**" каби масъулиятсизлик билан ёзилган алмойи-алжойи эълонлар мутасаддиларнинг саводсизлигини кўрсатади.

Йўл юзида "Появзал таъмирлаш" деб ёзиб қўйилган устахонага кўзимиз тушди. Кечагина мактаб остонасига қадам қўйган болакай ҳам бу сўзни "пойабзал" тарзида ёзилишини билади. Бу тилга эътиборсизликдан бошқа нарса эмас.

"Заказ сомса" ўрнига "Буюртма сомса" деб ёзган маъқул эмасми? Дарвоқе, бу билан чет тилларда ёзиш ноўрин демоқчи эмасмиз. Аммо, ошхоналар пештоқидаги лавҳа ёки рекламаларни ҳам ўзбекча, ҳам русча ёзса, ёнига инглизчани ҳам қўшиб қўйса бўлади-ку?!

Шу ўринда бир мулоҳаза. Тадбиркорлар ўз субъектларини қандай номлаши ўз ихтиёрларида. Лекин пештоқ лавҳасини қишлоқ жойда хориж тилида ёзиш шартмикин?! Чет тили алифбосида ёзилган кўплаб ёрлиқ ва эълонларни на ўқиб, на тушуниб бўлади.

Тўғри, чет тилларни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатлардан қувониш керак. Фарзандларимиз она тилидан ташқари яна икки ё уч тилни билишса, қандай яхши. Аммо бу хорижий тилни билган, ўша тилда бемалол, эмин-эркин сўзлаша олган одам ўз она тилини менсимаса ҳам бўлаверади, дегани эмас-ку!

Яна бир гап. Айрим шоввозлар ўз хизматларини реклама қилиш мақсадида дов-дарахтлардан фойдаланишаяпти. Дарахтга қоқилган "Ремонт радиатор" эълони ўзбек тилини, унинг имло қоидаларини менсимасликдан ташқари, экологияга нисбатан қўпол муносабат белгиси ҳамдир.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**Даврон АҲМЕДОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**



Маънавият

# ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

Эътироф этиш кераки, фарзандлар тарбиясида онанинг ўрни беқиёс. Бир парча этдан жисмоний ва маънавий мукаммал инсонни вояга етказиш, оқ сути орқали унинг қонига инсонийликни, Ватан меҳрини, поклик туйғусини сингдириш, ўғил болани оиласининг, маҳалласи, қишлоғи, юртининг ҳимоячиси, элининг ғурур-ифтихори, қизлари эса хонадоннинг чинакам бекаси, бўлажак фарзандларнинг соғлом онаси этиб тарбиялашдек машаққатли ва шарафли юмуш аввало аёлнинг зиммасидадир. Қушнинг эркин парвози учун қўш қанот зарур бўлганидек, тарбия жараёнида ота ва она тенг ва мутаносиб ҳаракат қилгандагина мукаммалликка эришиш мумкин.

Биз бугун мураккаб бир замонда яшаяпмиз. Дунё турли халқ, эл ва элатлардангина иборат эмас. У бир-бирига ўхшамайдиган, ҳатто, бир-бирини инкор этадиган турли маданиятлар, урф-одатлар, қарашлар макони ҳамдир. Фан-техника тараққиёти иқтисодий юксалишларга қанчалик самарали хизмат қилаётган бўлса, маънавий-маърифий соҳаларга ҳам бир қадар салбий таъсир ўтказмоқда. Ахборот технологияси ривожи, телерадиоканаллар, интернет тармоқлари жаҳон аҳлини энг сўнгги воқеа ва янгиликлардан хабардор қилиш билан бирга, хилма-хил мафкураларнинг мақсад ва ғояларини ҳам тарғиб этаётир.

Турли террорчи гуруҳлар, ҳар хил ноқонуний ҳаракатлар билан шуғулланувчи шахсларнинг диққати, аввало, ёшларга қаратилади. Уларнинг асосий мақсади турли ахборот хуружлари билан ёшлар онгига таъсир ўтказишдир. Бугунги кунда авж олаётган маънавий таҳдидлар ёшлар макони саналадиган интернет орқали узатилмоқда. Терроризм, экстремизм, вандализм (безорилик), миссионерлик ёки ғарбча маданиятни ёйишда бу тармоқ кўприк вазифасини ўтамоқда. Айниқса, ёшлар учун алоҳида кўнгилочар сайтлар, дилтортар шиорлар ва улар севган жаҳон юлдузларининг суратларидан фойдаланиб, ўзининг "электоратини" кенгайтирмоқда.

Қўлида мобиль телефон кўтариб олган ёшлар борки, odnoklassniki.ru (синфдошлар) тармоғи орқали дўст топишади ва ахборот алмашинишади. "Дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман", деган нақл шунчаки туғилмаган. Тўғри, бугун юксак маънавияти, таълим-тарбияси сабабли интернетдан оқилона (яъни, тўғри мақсадда) фойдаланаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Афсуски, интернетдан миллатимиз маънавиятига ёт, ғаразли мақсадларда, оммавий маданият ниқобига яширинган айрим шахсларнинг зарарли ахборотлар базасидан фойдаланаётган ёшлар ҳам жамиятимизда "бегона ўт" каби учраб турибди.

Юқоридаги муаммолар ечимини топишнинг энг тўғри йўли республика Президенти таъкидлаганидек, "... ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади" ва яна "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш"дир.

Миллатимиз азал-азалдан маҳалладаги урф-одат, анъана ва қадриятларни улуғлаб келган. Маҳаллага бежиз демократия дарсхонаси деб ном берилмаган. Демократик қадриятларимизнинг бешиги бўлган маҳаллаларда тарғибот ишларини янада кучайтириб, азалий урф-одатларимизни сақлаб қолишимиз керак. Шунда юртимиз, тарихимиз, дунёқарашимиз, менталитетимиз, тилимиз, қисқаси, миллатимиз ҳеч кимдан кам эмаслигини тушуниб етган ёшлар ўзлигини англай бошлайди.

**Жамолиддин МУРОДОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ мулкдорлари

# ЕРТОКНИНГ ҲОСИЛИ ЧАККИМАС

**"Гулбоғ Паркент агро" агрофирмаси узумчилик ва мевачиликка ихтисослашган. Бу – табиий ҳол. Умуман, Паркент туманининг рельефи ва иқлими шунга мос. 160 гектар боғнинг 40 гектари ҳосилга кирган. Ўтган йили 400 тонна мева етиштирилди.**



Агрофирма таркибида 99 та фермер хўжалиги бор. Улар асосан узум етиштиради. 739 гектар токзорнинг 380 гектари ҳосил беради. Қолгани янги барпо этилган ёш токзорлар. Ўтган йили хўжалик 3600 тонна узум етиштирди. Асосий нав – винобоп "Баянширей", оқ ва қора мускат, шунингдек, тоифи, қора ва оқ кишмиш каби хўраки навлар.

Аммо бизни бошқа бир ҳолат ажаблантирди. Токлар симбағазларга кўтарилмаган экан, ер бағирлаб ётавераркан. Қизиқ, қалин ток новда ва барглари остида шундоққина ерда ётиб етилган узумнинг сифати нима бўлади?

– Ҳеч нарса қилмайди, – деди "Лола Г. Қосимов Мирсалим" фермер хўжалиги раҳбари Мирсалим Қосимов. – Қайтага ҳосил мўл ва сархил бўлиб етилади.

Фермернинг айтишича, ўн беш йиллар бурун ҳамма қатори токларни симбағазларга кўтаришган. Лекин орадан беш-олти йил ўтиб, узумларга занг касали тегди. Бошқача айтганда, ҳосилга ун шудринг тушиб, чўғи ҳам, сифати ҳам айниди. Тўғри, бор "ҳунар"ларини ишга солиб, касалликни йўқ қилишга уринишди. Бироқ, нафи бўлавермади. Шундан сўнг яна ерток усулига қайтишни маъқул кўришди.

Мирсалим чорак асрдан бери узумчилик билан шуғулланади. Бу тоифа кишиларни соҳибкорлар тилида: "Токзорда катта бўлган" дейишади. Айнан шундай. Мирсалим болалигидан падари бузруквори, уста соҳибкор Ҳаким ота билан токзор оралаб улғайган. Ток занглари тилини обдон уққан. Нима деяётганини, нима қилаётганини яхши билади.

Хуллас, хўжалик 2000-йилдан буён ерток усулида узум етиштиряпти. Ўзи, укаси Муҳаммад, рафиқаси Дилдора, яна ҳамқишлоқлари – жами ўн олти кишининг рўзғори 10,8 гектар токзорнинг устидан. 8 гектарда "Баянширей" узум етиштиришади. Қолгани хўраки. "Баянширей" гектаридан 40-45 тонна, хўракилари 15-17 тоннадан ҳосил бераяпти.

Ертокнинг парвариши ҳам ўзига хос экан.

– Кузда ҳосилни саранжомлаб бўлганимиздан сўнг гектар ҳисобига 25 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариб соламиз. Бу октябрнинг ўрталарига тўғри келади, – дейди фермер. – Кейин 10-15 кун сув оқизиб қўямиз. Шунда гўнг ток остига обдон шимилиб, намни узоқ вақт сақлайди. Токни кесганда эски ва шикастланган новдаларини олиб ташлаймиз. Кесилган майда новдаларни ток занги устига ташлаб, тупроқ тортамиз. Қатор ораларини ҳайдаймиз, ток тагларини юмшатамиз. Кўкламда токларни очгандан сўнг илк барглар кўринганда, бошламасига, гектарига 25 килограммдан олтингугурт кукуни сепамиз. Тахминан икки ҳафта ўтказиб, такрорлаймиз. Бунда гектарига 40-50 килограмм кукун сепилади.

Дарвоқе, хўжалик соҳибкорлари ток тупларининг кунгай ва тунгайлигини ҳам ҳисобга олишар экан. Яъни қуёш нури тик тушадиган жойдаги токларга 2-3 марта олтингугурт сепилади. Қия тушадиган жойларга 5-6 марта сепилмаса, ҳосилда касаллик асоратлари сезиларкан.

Биз учун яна бир янги гап. Фермер токларни суспензия пуркаш усулида озиқлантиришни йўлга қўйибди. Ғужумлар думбул ҳолатга яқинлашганда 10-15 грамм карбомид ва 5-10 грамм калий 10 литр сувда эритилиб, суспензия ҳосил қилинади ва токларга сепиб чиқилади. Шу суспензиядан сўнг охирги марта олтингугурт кукуни пуркалади. У нам баргларга ёпишиб, узоқроқ туради ва самараси яхши бўлади.

Фермер билан хўжалик олаётган даромад ҳақида гаплашмадик. Негаки, кўп фермерлар бу мавзуни ёқтиришмайди. Қолаверса, агрофирмада бўлиб, ҳосилот Мирзоҳид Комилов ва бошқалар билан суҳбатлашганимизда, фермер хўжалиги аъзолари уйлар солаётгани, тўйлар қилаётгани, ҳатто, машинали бўлишаётганини билиб олгандик. Бугунги қишлоқ мулкдорларига бундан ортиқ яна нима керак!

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**Даврон АҲМЕДОВ (сурат),**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

Ободончилик

**Ангренда умумий узунлиги 19,6 километрли асосий ички автомобиль йўлларини мукаммал таъмирлашнинг 2013-2015 йилларга мўлжалланган дастурига мувофиқ бажарилиши лозим бўлган ишлар намунали якунланди, бошқа кўчалар ҳам навбати билан таъмирланади.**

# ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

Бундан ташқари, транспорт доим тирбанд бўладиган деҳқон бозори атрофида автомобиль тўхташ жойини қуриш бошлаб юборилди.

Йўлларни таъмирлашга тадбиркорлар ҳам бош қўшаётир. "Ангрен кўмир кони" ишчиси, дукентлик Илҳомжон Бегматов ўзи яшайдиган Шароф Рашидов номидаги кўчани текислаб, асфальт ётқизди. Унга хайрли ишда маҳалладошлари қанот бўлишди. Яхшининг шарофати билан бу йилги қиш мавсумида мактабга ва ишга қатновчи йўловчилар қийналишмади.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**

# ҲАҚИҚИЙ ШУНҚОРЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақалари бўлажак аскарларнинг синов майдони, десак муболаға бўлмайди. Чирчиқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабида анъанавий "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**



– Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий ва жисмоний камол топтиришда спортнинг ўрни беқиёс, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бўлим бошлиғи Дилором Абдуғаффорова. – "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақалари ёшларимизнинг ҳар томонлама етук ва жисмонан бақувват бўлиб ўсишларига хизмат қилмоқда.

Вилоят мудофаа, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашлари ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 18 жамоа иштирок этди.



Жамоалар сафда юриш ва қўшиқ айтиш, югуриш, граната улоқтириш, мерганлик, турникда тортилиш, фуқаро ҳимояси ва тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш, умумий сиёсий-ҳуқуқий тайёргарлик каби ўн тўртта шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

Якуний натижаларга кўра, Бекободнинг "Қалқон" жамоаси ғолиб чиқиб, республика босқичига йўлланма олди. Кейинги ўринларни Паркент туманининг "Марди майдон" ва Чирчиқ шаҳрининг "Арслон" жамоалари банд этди.

Ғолиб жамоалар ва иштирокчиларга диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Қарор ва ижро

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

**Вилоятимизда янги ишлаб чиқариш объектлари барпо этиш, мавжудлари фаолиятини кенгайтириш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 12 июлда қабул қилинган "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"-ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар натижасида кўплаб янги иш ўринлари очилмоқда. Мисол учун, ўтган йили Пискент туманида "Azaliea carment" масъулияти чекланган жамиятининг ишга туширилиши туфайли уч юз нафардан зиёд фуқаро иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти ёшлар.

– Пискент агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг енгил саноат маҳсулотлари технологияси йўналишини битирганман, – дейди "Azaliea carment" ишчиси Малика Умаржонова. – Ўз мутахассислигим бўйича ишлаётганимдан хурсандман.

Айни пайтда корхонада баҳор ва ёз мавсумига мўлжалланган болалар ва катталар устки кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми четга сотилаётир.

Ўтган йили 557 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада юқори бўлиши кутилмоқда.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Паррандачилик

# МАҲСУЛОТ МЎЛ, ФОЙДА САЛМОҚЛИ

**Бекобод шаҳри ва тумани аҳолисининг паррандачилик маҳсулотларига эҳтиёжини қондиришга хизмат қилаётган "Торнадо тўлқинлари" фермер хўжалиги 2007 йилда 5000 та товуқни парваришлаш билан иш бошлаган эди. Ҳозирги кунда 18 минг товуқ боқилмоқда. Хўжаликда паррандалар кўпайиши билан маҳсулот ва даромад ҳам ошиб бормоқда. 2011 йилда 818 минг дона тухум етиштирилган бўлса, 2014 йилнинг биринчи чорагида 455 минг донадан ошди.**

Паррандаларнинг тўйимли озуқа ҳамда зарур концентратлар билан боқилаётгани, вақтида зооветеринария хизмати кўрсатилаётгани ва товуқхоналар озода сақланаётгани маҳсулот сифатли бўлишини таъминлаяпти. Бекобод деҳқон бозори ва савдо тармоқларида сотилаётган тухумларнинг энг сараси ва йирикларининг манзилини суриштирсангиз, албатта, "Торнадо тўлқинлари"нинг маҳсулоти бўлиб чиқади.

Бор-йўғи 5 киши билан кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. 2013 йилда 474 миллион сўм даромад олган бўлса, шундан 84 миллион 253 минг сўми соф фойдага қолди. 2014 йилнинг дастлабки чорагидаги даромад 159 миллион сўмга, рентабеллик даражаси 23,1 фоизга етди.

– Ҳозирча товуқларга бериладиган озуқаларни сотиб олаяпмиз, – дейди хўжалик раҳбари Одил Раҳимов. – Келгусида озуқа экинлари экиш учун ер олиб, маҳсулот таннархини янада арзонлаштириш ниятидамиз.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ЁШЛАР ИЛЛАТГА ҚАРШИ

**Тошкент давлат аграр университетида талабалар билан учрушув ўтказилиб, "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти тушунтирилди.**

Сил, ОИТС, гиёҳвандлик, юқумли касалликларнинг олдини олиш, тиббий кўрикнинг аҳамияти каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

– Талабаларимиз соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилишади, – деди тиббиёт хонаси шифокори Шуҳрат Раҳматиллаев. – Уларнинг вақтида ухлаб, вақтида дам олиши, қолаверса, спорт билан мунтазам шуғулланиши мустаҳкам билим эгаллашларида асқотяпти. Шу сабаб бизда давомат ҳам яхши.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

# МАҲАЛЛАДА БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ

Қибрай тумани "Қизил шалола" маҳалласида Соғлом бола йилига ҳомийлар ёрдамида ҳашар йўли билан болалар майдончаси бунёд этилди. Бу ерда ўндан ортиқ спорт турлари билан шуғулланиш учун барча имкониятлар яратилган.

**Умида ИСАЕВА.**


ЭЪЛОНЛАР

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4453 сонли Фармони қабул қилинган.

Мазкур фармонда статистика ҳисоботларини соддалаштириш, уларнинг шаклларини қисқартириш ва тақдим этишнинг такомиллаштирилган механизмини жорий қилиш бўйича вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу фармоннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор қулайликлар яратилди, жумладан микрофирмалар илгари бир йилда 4 маротаба давлат статистика ҳисоботи топширган бўлса, эндиликда йилда 1 марта йиллик давлат статистика ҳисоботини тақдим этади. Фермер хўжаликлари томонидан эса 5 марта ўрнига йилда 3 марта ҳисобот тақдим этиши белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4609 сонли Фармони қабул қилинди.

Бунга кўра, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, кичик тадбиркорлик субъектлари статистика ҳисоботларини йилда бир маротаба тақдим этадилар, бунда статистика органлари томонидан ҳар чоракда фаолиятнинг тегишли йўналишлари ва соҳалари бўйича танланма асосдаги ўрганишларни ўтказиб борилади.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида Электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланган ҳолда, электрон кўринишдаги статистика ҳисоботини йиғиш тизими кенг йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республика Президентининг ПФ-4453 сонли Фармонига мувофиқ, 2014 йилнинг охирига қадар барча хўжалик юритувчи субъектлар давлат статистика ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилиши белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда тизимда 13 та ойлик, 35 та чораклик ва 93 та йиллик, жами 141 давлат статистика ҳисобот шакли хўжалик субъектлари томонидан электрон тарзда тақдим этилиши учун тўлиқ имкониятлар яратилган.

Электрон имзодан фойдаланган ҳолда давлат статистика ҳисоботларини тақдим қилишни интернет тизими орқали жўнатишнинг асосини "eStat 2.0" дастурий таъминоти ташкил этади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан барча турдаги ойлик, чораклик ва йиллик давлат статистика ҳисоботларни белгиланган тартибда электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланган ҳолда электрон равишда тақдим этишингиз юзасидан эслатиб ўтамиз.

Бошқармада ташкил қилинган 8-371-230-86-57, 230-86-58 "Ишонч телефонлари" орқали ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

***Тошкент вилояти статистика бошқармаси.***

**"NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Ҳамза тумани СИБ томонидан: 1. 19.12.2012 й. № 1-2968/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и.ч. "Ваз-21053" д.р. 01 X 319 OA. Бошланғич баҳоси – 7 553 000 сўм. Бектемир тумани СИБ томонидан: 2. 03.04.2013 й. № 1-222/2013-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и.ч. "Ваз 21063" д.р. 10 V 527 FA. Бошланғич баҳоси – 5 400 309 сўм 69 тийин. 3. 18.12.2012 й. № 1-601-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 156 TTB. Бошланғич баҳоси – 12 999 560 сўм 25 тийин. 4. 08.04.2013 й. № 1-74-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и.ч. "Ваз-2103" д.р. 10 R 769 CA. Бошланғич баҳоси – 3 659 228,34 сўм. 5. 12.02.2013 № 1-13-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "ГБАСНГ-Газ5205" д.р. 01 935 TBA. Бошланғич баҳоси – 1 889 366 сўм 07 тийин. 6. 12.02.2013 й. № 1-13-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и.ч. "ГБАСПГ КАВЗ-3271" д.р. 01 823 NBA. Бошланғич баҳоси – 3 546 294,73 сўм. Бектемир туман Х. Бойқаро кўчасида жойлашган Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланмоқда.

Аукцион савдоси 2014 йил 7 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "New Trans Alliance" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8371) 262-35-99.

**«New Trans Alliance» МЧЖда 2014 йил 20 мартдан 2014 йил 20 апрелгача ўтган кимошди савдоси натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 31.03.2014 | Шайхонтоҳур тумани СИБ | 1993 й. и.ч. "BMW" д.р. 01 Z 761 NA бўлган автотранспорт воситаси | 16 579 619 | 17 350 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99871) 262-35-99.

*Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири*

# ЭЛ БАХТИ ЭЛ СУЙГАН ВАТАНДА БЎЛУР



*Халқимиз ижодкорларни, хусусан шоирларнинг чиқишларини доим орзиқиб кутади. Зеро, улар яхшилик элчиси, эзгулик куйчиси. Ватанни севиш, одамларни ардоқлаш, тинчликни асращдек инсоний фазилатларнинг юзини, ҳақиқатнинг чеҳрасини кўргандек бўламиз уларнинг шеърларида. Қуйида вилоятимиз адабий муҳитида ана шундай фазилатлари, ёниқ сўзи, хуш каломи бор ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг сиёҳи қуримаган, янги шеърларини ҳукмингизга ҳавола этаяпмиз.*

## ЭЪТИРОФ

Кимни чорлар боғлар, кимни чўл иси,
Кимни мафтун этмас, майса, гул иси,
Баридан азиздир, билсанг, дил иси,
Дил мавжи дил тортар чаманда бўлур,
Дилбарлик, дилдорлик Ватанда бўлур.

Осмон офтоб билан чарақлар кунда,
Осмон моҳтоб билан гўзалдир тунда,
Вафосизга Ватан йўқдир очунда,
Жон асли жисмда, ҳар танда бўлур,
Эл берса эътибор Ватанда бўлур.

Булбул бедор бўлса гули эргашгай,
Мардлар йўлга чиқса эли эргашгай,
Туғишган ётгамас, юртга ярашгай,
Омад балки санда ё манда бўлур,
Шукур қил, у бизда – Ватанда бўлур.

Қошингга эгилиб келишин кутма,
Йўл кутган, гул кутган дилни унутма,
Меҳринг дариғ тутма, элни унутма,
Оқибат кўрганлар дилханда бўлур,
Эл бахти эл суйган Ватанда бўлур.

Ватан – йўлда ёнган умринг чироғи,
Ватан – дуо тутган дилнинг булоғи,
Севинмоқ сабоғи, сенмоқ сабоғи,
Баҳорлар тарк этмас чаманда бўлур,
У – озод, у – обод Ватанда бўлур.

## ДАРД

Шукрингда ибодат бор,
Сўзингдан нур таралгай.
Меҳрингда саодат бор,
Кўзингдан нур таралгай.

Кўнгилнинг кошонаси
Сеҳрдан яралгайдир.
Оқибат остонаси
Меҳрдан яралгайдир.

Муҳаббат меҳробида
Тиз чўкмоқнинг бахти бор.
Ошиқ дил офтобида
Яратганнинг тахти бор.

Гуноҳга йиғлай билмоқ
Мардлик мақомига хос.
Дил қонин шабнам қилмоқ,
Ишқнинг аҳкомига хос.

Унутсанг, дард – дард эмас,
Дард жонда гуллаб турсин.
Бир дардки, илоҳий сас,
Умрингни тилаб турсин.

## МУЛОҲАЗА

Очил дастурхон кутган,
Осмондан кўз узмайди.
Иймонни устун тутган,
Ёлғонга кўз сузмайди.

Ақлни ариқларда
Оққанини ким кўрган?

Қуёшни қаро тунда
Чиққанини ким кўрган?

Товонинг тош бўлса ҳам,
Тош тепмокдан нима наф?
Икки дунё яхши – ўнг,
Ёмон доим сўл тараф.

Гар ўзингни ой билсанг,
Осмонингдан тушиб кўр.
Оқибат олов ёққан,
Дошқозонда пишиб кўр.

Кўнгилнинг кўчасига
Кирган кўп-у, чиққан кам.

Бу дунё китобини
Ўқиган кўп, уққан кам.

Маҳмуд, шеърда насиҳат
Азал-абад ярашмас.
Дили гўзал одамлар,
Янтоқ ёнса қарашмас.

## ТОҒДА

(Набирам Зиёдбекка)

Булутлардан кўркма, эй ўғлон,
Булутларнинг умри қисқадир.
Сен қаршингга тоғларга қара,
Мангуликка улар жуссадир.

Шамоллар ҳам ўтар лаҳзада,
Шамоллардан юзингни бурма.
Билсанг агар ўшал шамоллар,
Ҳув тоғларнинг кўзига сурма.

Бунда агар сен илғай олсанг,
Суқунатнинг садолари бор.
Кўзёшларин арчалар ичган,
Тоғлар тошин нидолари бор.

Бунда мушкул насиба топмоқ,
Яшамоқнинг шарти кўп оғир.
Кийикларнинг кўзлари ёши,
Қоплонларга бўлгайдир чоғир.

Табиатнинг ўз қонунлари,
Тоғлар тошин ўйиб ёзилар.
Билсанг бунда назари тоза
Бургутлардир асил қозилар.

Демасман ҳеч тоғларга, ўғлон,
Оч бир назар, яроғ билан кел.
Агарда сен тоғларга келсанг,
Бургутга хос нигоҳ билан кел!

## ТИЛАК

Қуёшнинг юзида меҳр пардаси,
Момогулдираклар кимнинг зардаси,
Шунчалар ширини еллар хандаси,
Турналар қатида учгим келади,
Шабнамни шаробдек ичгим келади.

Ёронлар, бўйнимда тонгнинг тумори,
Гулдан ҳам гўзалмиш дилим дилдори,
Мени Бир Борнинг тутгай хумори,
Кул қилсин, қуёшни қучгим келади,
Мен нурни сувдайин ичгим келади.

Яхшилар ҳар йўлда чироқ бўлармиш,
Ёмоннинг ёстиғи янтоқ бўлармиш,
Тиконлар жисмида тирноқ бўлармиш,
Ойни дил тоқига илгим келади,
Тиконни юз минга тилгим келади.

Бесабр бойликни ботмонлаб сўрар,
Сабрли мисқолни ботмондек кўрар,
Чидаганга чиқарган-да, жўралар,
Юлдузлар юзида юргим келади,
Капалак кўзида тургим келади.

Шоирман-да, шалоладек шошаман,
Тўлқинсиз ҳам дарёлардек тошаман,
Йўл юрмасдан довонлардан ошаман,
Ҳар бир дилга қанот бўлгим келади,
Ҳар бир тилда баёт бўлгим келади.

## БЕГОНАЛИК

Тупроқни дурдек тутсанг,
Осмон ўпар бошингни.
Ўғлон бўлсанг онангга
Кўрсатма кўзёшингни.

Нури йўқ орзулардан,
Ушалмас армон яхши.
Тиз чўккан олифтадан,
Тик турган деҳқон яхши.

Ҳасаднинг хуморини,
Ҳавасннинг тиғига тут.
Қаддингни бўйласалар,
Орият тиғига тут.

Ёт йўлнинг чироғидан,
Тукқан йўл тоши афзал.
Меҳмонга бахмал тахтдан,
Оқибат оши афзал.

Иймон, ишонч, муҳаббат,
Аҳли дониш дуридир.
Билиб босилган қадам,
Фаросатнинг нуридир.

Ой билан овворалик
Ердан йироқлаб кўяр.
Бегона ўт кўрганда,
Деҳқон ўроқлаб кўяр.

## ТЎРТЛИКЛАР

Хас-чўпдан гулханга
калов чиқмагай,
Ҳар оҳдан дил ўртар
олов чиқмагай.
Юракнинг қонига чулғаб
олмасанг,
Миллат кўтаргувчи ялов
чиқмагай.

* * *

Гуллар гулханига юз
тутганмисан,
Гадога беминнат туз
тутганмисан?
Меҳрингдан бир гўзал
дастурхон тузаб,
Элнинг элагидан ҳеч
ўтганмисан?

* * *

Меҳрдан кўнгилга малол
етмагай,
Ўйлаб айтилган сўз
увол кетмагай.
Азалдан абадга йўл
тутган ҳикмат –
Ҳаром еган одам –
ҳалол кетмагай.

* * *

Улуғдир кўксида тоғи
бор одам,
Гўзалдир дилида боғи
бор одам.
Кесак – тош, тош – тилло
бўлмагай ҳеч вақт,
Ақлига эргашар чоғи
бор одам.

* * *

Кўнгил – бу осмоннинг
меваси асли,
Ёмғирлар самонинг
шеваси асли.
Бир осмон бағрида
бир-бирин кўрмас,
Ой офтобнинг тирик
беваси асли.

* * *

Ҳикмат томиридан
дилга борилар,
Ҳикматнинг хамири
дилда қорилар.
Сувига юракнинг
қонидан қўшсанг,
Тилансанг, топилмас
бундай дорилар.


ЭЪЛОНЛАР

# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2014 йил 28 май соат 10.00 да очиқ тендер ўтказилади**

1. ВХ-613 й.т. "Паркент АШБ-Самсарак қишлоғи" (такрорий)
2. ВХ-615 й.т. "Паркент АШБ-Паркент "Чўққайма" маҳалласи" (такрорий)
3. ВХ-616 й.т. "Бўка АШБ-Олмалиқ АШБ (Сувти орқали)" (такрорий)
4. ВХ-344 й.т. "Қайтмас қишлоғи-Тўйтепа АШБ" (такрорий)
5. ВХ-345 й.т. "Тўйтепа АББ-Кучлик қўрғони" (такрорий)
6. ВХ-349 й.т. "Олға қишлоғи (Қурсой)-Жумабозор" (такрорий)
7. ВХ-370 й.т.П "Кавардон қишлоғи-Янгибозор АШБ" (такрорий)
8. ШИ-25 й.т. "Чинор қишлоғи бекати-Аммофос ОАЖ" (Олмалиқ ш.) (такрорий)
9. ВХ-411 й.т. "Олмалиқ АШБ-Убайт-Узар-Эйвалек қўрғони" (такрорий)
10. ВХ-596 й.т. "Олмалиқ АШБ-А.Икромов қ.ф.й." (такрорий)
11. ВХ-379 й.т. "Паркент АШБ-Невич қишлоғи" (такрорий)
12. ВХ-435 й.т. "Ўзбекистон ф/у-Оқ тепа қ.ф.й." (такрорий)
13. ВХ-342 й.т. "Санам қишлоғи-Ангрен деҳқон бозори" (такрорий)
14. ВХ-432 й.т "Қорасув қўрғони-Бургалик қишлоғи" (такрорий)
15. ВХ-340 й.т. "Ангрен АШБ-Оҳангарон АШБ" (такрорий)
16. ВХ-374 й.т. "Паркент АШБ-Сўқоқ қишлоғи" (такрорий)
17. ВХ-315 й.т. "Алимкент қўрғони-Бўка АШБ" (Ўзбекистон ф/у орқали) (такрорий)
18. ВХ-316 й.т. "Бўка-Гулистон ф.у" (Кўкорол орқали) (такрорий)
19. ВХ-317 й.т. "Бўка-Қашқадарё ф.у" (Т.Ражабов орқали) (такрорий)
20. ВХ-388 й.т. "Паркент АШБ-Кумушкон қишлоғи" (такрорий)
21. ВХ-445 й.т. "Қўйлиқ АШБ-Бешбой ф/у" (такрорий)
22. ШИ-4 й.т. "Юқумли касалликлар шифохонаси-Ангрен кўмир кони-"(Ангрен ш.) (такрорий)
23. ШИ-5 й.т. "5/5-даҳаси-Чинобод маҳалласи" (Ангрен ш.) (такрорий)
24. ШИ- 19 "Чинор" маҳалласи-Айланма" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
25. ВХ-420 й.т "Қўйлиқ бозори-"Дўстлик" маҳалласи-Сурум қишлоғи" (такрорий)
26. ВХ-444 "А.Навоий ф/у ("Янгиҳаёт" маҳалласи)-Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
27. ВХ-444 й.т. "Тўйтепа АББ-ТошДАД-Навоий ф/у" (такрорий)
28. ВХ-401 й.т. "Дўстобод АШБ-Чиноз шаҳри (Гул орқали)" (такрорий)
29. ВХ-575 й.т. "Чиноз-Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
30. ВХ-594 "Боғзор қўрғони-Карвон бозори" (такрорий)
31. ВХ-383 й.т. "Бойқозон-Истиқбол-Паркент-Бойқозон" (такрорий)
32. ВХ-441 й.т. "Олим ота м.ф.й.-Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
33. ВХ-617 й.т. "Қўйлиқ АШБ-Қумовул" (такрорий)
34. ВХ-618 й.т. "Қўйлиқ АШБ-Навоий маҳалласи" (такрорий)
35. ВХ-619 й.т. "Янгийўл қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежи-Туман марказий шифохонаси" (такрорий)
36. ВХ-620 й.т. "Дўстобод АШБ-Чиноз (Қўрғонча орқали)" (такрорий)
37. ВХ-621 й.т. "Бўка АШБ-10 йиллик қишлоғи (Хўжақўрғон орқали)" (такрорий)
38. ВХ-600 "Бўка АШБ-Қизил юлдуз бўлими" (такрорий)
39. ВХ-603 "ТМК-2-мактаб" (такрорий)
40. ВХ-606 "Дўстобод АШБ-Қўйлиқ АШБ (Тошовул орқали)" (такрорий)
41. ВХ-607 "Ўрмон хўжалиги-Туман марказий шифохонаси" (такрорий)
42. ВХ-241 й.т. "Улуғбек маҳалласи-Ширин АШБ" (такрорий)
43. ВХ-446 й.т. "Тошгўштшаҳарчаси-Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
44. ВХ-467 й.т. "Ўзбекистон т.й ст-Чилонзор 25-даҳа" (такрорий)
45. ВХ-463 й.т. "Зангиота мақбараси-Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
46. ШИ-2 й.т. "4-кичик ноҳия-Айлин фаб.-Марказий бозор-4-кичик ноҳия" (Оҳангарон ш.) (такрорий)
47. ШИ-3 й.т. "4-кичик ноҳия-Марказий бозор-Қўрғон маҳ.-4-кичик ноҳия" (Оҳангарон ш.) (такрорий)
48. ШИ-17 "8-кичик ноҳия-Капролактам" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
49. ШИ-31 й.т. "Сут заводи-Аммофос ОАЖ" (Олмалиқ ш.) (такрорий)
50. ВХ-440 й.т. "Тўйтепа АББ-Алимкент қўрғони" (такрорий)
51. ВХ-419 й.т. "Қўйлиқ АШБ-"Белариқ" маҳалласи (23-сонли ўрта мактаб бекати)" (такрорий)
52. ВХ-384 й.т. "Бирлик" маҳалласи-Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
53. ВХ-418 й.т "Қўйлиқ АШБ-А.Навоий маҳалласи" (такрорий)
54. ВХ-622 й.т. "Қўйлиқ АШБ-"Иттифоқ" маҳалласи" (такрорий)
55. ВХ-623 й.т. "Навоий ф.у.-Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
56. ВХ-289 й.т. "Янгийўл АШБ-Миришкор қишлоғи" (такрорий)
57. ВХ-305 й.т. "Гулбаҳор шаҳарчаси-Дам олиш уйи" (такрорий)
58. ВХ-305 й.т.П "Дам олиш уйи-Гулбаҳор шаҳарчаси" (такрорий)
59. ВХ-598 й.т. "Янгийўл деҳқон бозори-Боғзор қ.ф.й." (такрорий)
60. ВХ-602 й.т. "Чирчиқ АББ-Қоратухум қишлоғи" (такрорий)
61. ВХ-286 "Янгийўл ЎзМЭИ-Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
62. ВХ-370 й.т. "Янгибозор АШБ-Кавардон қишлоғи"
63. ВХ-279 й.т. "Тинчлик ф/у.-Жанубий вокзал АШБ"
64. ВХ-295 й.т. "Янгийўл шаҳар деҳқон бозори-Кескен қишлоғи"
65. ВХ-437 й.т. "Тўйтепа АББ-Бургалик қишлоғи"
66. ВХ-442 й.т. "Тўйтепа АББ-Туябўғиз қўрғони"
67. ВХ-308 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали-Отажонов ф/у"
68. ВХ-313 й.т. "Оққўрғон почта бўлими-Қаҳрамон ф.у."
69. ВХ-314 й.т. "Дўстобод-Янгийўл (Анорқулов бекати)"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситаларни ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга таклиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига ОАТБ "Савдогар" Қибрай бўлими 20210000204661167001 (банк коди 00410, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2014 йил 23 май соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2014 йил 27 май соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти биноси. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

**"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2014 йил 27 май куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Миробод туман СИБ томонидан 2012 йил 16 апрель кунги 13368/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Файзиобод" ТИФ божхона масканида сақланаётган: 1. 1990 йилда и/ч., дав. бел. 10 987 FAA бўлган "Газ 53" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 7 661 200 сўм 2. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 Q 585 CA бўлган "CHANASC-6382" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 11 881 132 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2014 йил 7 январь кунги 2/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 T 805 OA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 18 841 101 сўм. 2. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39617/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч., дав. бел. 01 D 184 OA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 31 920 000 сўм. 3. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39618/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2002 йилда и/ч., дав. бел. 85 K 775 BA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 53 200 000 сўм. 4. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39616/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда и/ч., дав. бел. 01 Q 079 HA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 5 436 982 сўм. III. Миробод туман СИБ томонидан, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2012 йил 1 август кунги 27276/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1992 йилда и/ч., дав. бел. 01 E 716 GA бўлган "Заз 968" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 166 740 сўм. 2. 2012 йил 09 июль кунги 24499/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1992 йилда и/ч., дав. бел. X138FRM бўлган "Волво 460" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 11 074 386 сўм. 3. 2013 йил 22 февраль кунги 5667/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 B 033 KA бўлган "Мерседес Бенц C180K" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 82 231 200 сўм. 4. 2013 йил 17 апрель кунги 10561/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда и/ч., дав. бел. 10 F 2849 бўлган "Тико" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 7 278 428 сўм. 5. 2013 йил 17 апрель кунги 10561/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 B 321 BA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 36 797 040 сўм. 6. 2013 йил 30 октябрь кунги 36233/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч., дав. бел. 01 C 589 KA бўлган "Спарк" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 30 590 000 сўм. 7. 2010 йил 6 апрель кунги 3462/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган, 1992 йилда и/ч., дав. бел. 10 AQ 173 бўлган "БМВ-520" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 11 730 600 сўм. 8. 2014 йил 10 февраль кунги 10-0720/14225-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Бешёғоч кўчаси, 4-уйда сақланаётган, Мрамар тошлар ва мармардан фигурали махсулотлар ишлаб чиқарадиган ускуналар тўплами. Бошланғич нархи – 9 034 258 369,70 сўм. IV. Олмазор туман СИБ томонидан, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2013 йил 13 май кунги 15356-82 ижро варақасига асосан хатланган: 1. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 668 CBA бўлган "ISUZU SAZ NQR71PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 54 159 930 сўм. 2. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 936 CBA бўлган "ISUZU SAZ NQR71PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 46 017 180 сўм. 3. 2011 йилда и/ч., дав. бел. 01 080 WBA бўлган "ISUZU SAZ NQR71PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нарх 63 097 650 сўм. 4. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 BC 983 бўлган "Газ-2705-14" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 29 136 690 сўм. 5. 2012 йил 12 июнь кунги 19628/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1979 йилда и/ч., дав. бел. 30 E 5742 бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 1 921 777,13 сўм. V. Чилонзор туман СИБ томонидан, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2011 йил 27 декабрь кунги ижро варақага асосан хатланган: 1. 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 569 GBA бўлган "Камаз 55111" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 48 695 958,23 сўм. 2. 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 570 GBA бўлган "Камаз 55111" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 48 695 958,23 сўм. 3. 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 561 GBA бўлган "Камаз 55111" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 38 261 109.97 сўм. VI. Чилонзор туман СИБ томонидан 2013 йил 10 июнь кунги ижро варақага асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Сугали ота кўчаси, 3-уйда сақланаётган: 1. 2005 йилда и/ч., дав. бел. 01 382 GCA бўлган "Камаз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 92 556 144.72 сўм. 2. 2005 йилда и/ч., дав. бел. 01 385 GCA бўлган "Камаз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 102 411 144.72 сўм. VII. Сергели туман СИБ томонидан, 2012 йил 24 сентябрь кунги 1-381/12-сонли ижро варақасига асосан, Сергели тумани, Файзли кўчаси, 3-уйда сақланаётган: 1. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BJ 015 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 24 109 516 сўм. 2. 2001 йилда и/ч., дав. бел. 10 AG 777 бўлган "Мерседес-Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 43 830 458 сўм. VIII. Сергели туман СИБ томонидан 1. 2012 йил 03 май кунги ижро варақага асосан хатланган, Сергели туман СИБ ҳовлисида сақланаётган, 2000 йилда и/ч., дав. бел. 01 S 593 FA бўлган "Газ311000" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 6 531 407 сўм. 2. 2012 йил 31 январь кунги 10-1119/22046-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2000 йилда и/ч., дав. бел. 01 292 EAA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 9 715 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб хафтанинг расмий иш кунлари қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ASIA STANDART" (ИНН 205175081) МЧЖнинг устав жамғармаси 73 500 000 сўмдан 5 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: 317-80-07.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 24.01.2011 йилда № 0005141 реестр рақами билан рўйхатга олинган "XISLAT KOMMUNALCHI" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбарияти ва касаба уюшмаси Қибрай тумани Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори Нурали Пардаевга падари бузруквори **ҚАҲҲОР ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Яккасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 29.07.2011 йилдаги № 006150-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SHAMS GLOBAL INVEST" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "SHAMS GLOBAL INVEST" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади. Телефон : 389-84-83.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 13.09.2013 йилда қайта рўйхатдан ўтган "XUMO PLASTIK" МЧЖнинг устав жамғармаси 198 609 912 сўмдан 196 558 912 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: 302-00-94.

"ELEKTRMASHSAVDO" МЧЖнинг устав жамғармаси 183 470 000 сўмдан 43 470 000 сўмга камайишини маълум қилади.

"BIG PRINT" МЧЖ шу ном билан хусусий корхонага ўзгаришини маълум қилади ҳамда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Аввал Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 06.12.2005 йилда № 002080-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "VITAS-VOS" (ИНН 202505566) хусусий корхонасининг мулкчилик шакли "VITAS-VOS" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "DONIYORXO'JA FAYZ MEBEL" (ИНН 301980134) МЧЖ Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "MO'MINJON MEBEL MASKANI" (ИНН 302873946) МЧЖ таркибига бирлашиши ҳамда "MO'MINJON MEBEL MASKANI" МЧЖ "DONIYORXO'JA FAYZ MEBEL" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг тўлиқ ҳуқуқий ворисига айланишин маълум қилади. Телефон: (+99893) 523-33-13.

Яккасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан А. Қаҳҳор-16-А манзили бўйича рўйхатга олинган "AVIA BROK SERVICE GROUP" (ИНН 302107758) МЧЖнинг мулкчилик шакли хусусий корхонага ўзгаришини маълум қилади. Телефон: 300-37-97.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан 12.11.2010 йилда № 3343 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ALLIANCE PROJEKT DEVELOPMENT" (ИНН 301735223) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ** (Асос: 18.04.2014 йилдаги 2/14-сонли қарор.). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, У. Юсупов кўчаси, 2-уй манзилида ёки (+99890) 178-40-60 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти Зангиота туманида рўйхатга олинган "YAGMUR PARRANDA SERVIS" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли фермер хўжалигига ўзгаришини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб (+99890) 911-10-94 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Утерянный диплом L № 009197, выданный 28.06.2004 йилда (регистр № 152) академическим лицеем при ТГЮИ (Ташкентский Государственный юридический университет) на имя Маматказиной Ноили Пулатовны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную шаходатному O'R-Z № 0876279, выданный в 2001 году школой № 22 Юкори Чирчикского района Ташкентской области на имя Джиенбекова Амана Серикбаевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСВИТЕЛЬНЫМ.**

ЧП "MERCURY INVEST" (ИНН 301505152, ОКПО 23098846), зарегистрированное ИРСП при хокимияте Зангиатинского района за реестр № 0002522 от 18.02.2010 г., сообщает о преобразовании в ООО "MERCURY INVEST" (решения собственника № 1 от 20.04.2014г.). Правопреемником ЧП "MERCURY INVEST" по всем правам и обязательствам является ООО "MERCURY INVEST".

Тошкент вилояти Давлат педогогика институти томонидан 1999 йилда (реестр № 12618) Бузирикова Нодира Джурахановна номига берилган № 239747 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТЧСЖ "HASHIR" (ИНН 203889302), зарегистрированное ИРСП Сергелийского района за реестр № 06-000123 от 30.12.2013 года, почтовый адрес: 3-й проезд Нилуфар, дом 2, сообщает о слиянии с ТЧСЖ "HASHIR KOMMUNAL BIRINCHI" (ИНН 302572521), зарегистрированное ИРСП Сергелийского района за реестр № 003806-06 от 10.04.2013 года, почтовый адрес: ул. Дарё Буйи, дом 73. Правопреемником ТЧСЖ "HASHIR" является ТЧСЖ "HASHIR KOMMUNAL BIRINCHI". Претензии принимаются по телефону: (+99894) 606-41-63.

"MED FAY TEM" (ИНН 300896673) МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "FAYZ STONE" (ИНН 205339407) МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "FAYZ STONE" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади. Телефон: (+99894) 657-46-01.

Болалар спорти

# ҚИШЛОҚДАН КАТТА СПОРТ МАЙДОНИГА

**Пискент туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда касб-ҳунар коллежларининг мингга яқин ўқувчиси бадиий гимнастика, кураш, баскетбол, футбол, бокс, стол тенниси каби спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан барпо этилган мактабда барча шарт-шароитлар яратилган. Спортчилар вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишяпти.**



– Бугун юртимизнинг чекка туманларида яратилаётган шароит ва имкониятлар марказий шаҳарлардагидан қолишмайди, – дейди мактаб директори ўринбосари Рустамхон Икромов. – Фақат бу имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур. Келгусида бошқа спорт турлари бўйича қўшимча гуруҳлар очмоқчимиз.

Тумандаги ўндан ортиқ умумтаълим мактабларида болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли тўгараклар ишлаб турибди. Машғулотларда 950 га яқин ўғил-қиз иштирок этмоқда. Жумладан, 22-умумтаълим мактабида очилган футбол тўгарагига ўттиздан зиёд болалар қатнаётир.

– Мураббийларимиз машғулотларда жисмоний, техник ва тактик тайёргарликка алоҳида эътибор беришади, – дейди 8-синф ўқувчиси, тўгарак аъзоси Илёс Обидов. – Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси устозларимиз кўрсатмаларига қатъий амал қилади. Шу боис туман ва вилоят бўйича ўтказилаётган мусобақаларда муваффақиятларга эришмоқдамиз. Ниятим – келажакда моҳир футболчи бўлиб, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш.

**Хуршида НАЗАРОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Паралимпия

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

**Пойтахтимизда енгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасида мамлакат чемпионати якунланди. Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси томонидан ташкил этилган турнирда 150 дан зиёд спортчи ғолиблик учун баҳслашди.**

Мусобақада турли масофаларга югуришда пойтахтлик Қобил Тўлаганов, Сафарали Отабоев, Дониёр Аҳмедов, Дамир Пашаев, Тошкент вилоятидан Миран Сахатов, андижонлик Мусобек Сойпиров, сурхондарёлик Фахриддин Ҳамроев, Маъруф Муродуллаев, қашқадарёлик Убайдулла Имомқулов маррага биринчи келди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда тошкентлик Муштарий Мамарасулова, жиззахлик Ёқутхон Холбекова, бухоролик Диана Курмакаева олтин медални қўлга киритди.

Ядро улоқтиришда пойтахтлик Сайдулла Исматов, андижонлик Мавлон Ҳайдаров, фарғоналик Шаҳриёр Набиев, қашқадарёлик Жамшид Эгамбердиев ва навоийлик Ҳусниддин Норбеков ғолиб бўлди. Ҳ. Норбеков диск улоқтириш баҳсида ҳам биринчи ўринни эгаллади.

Найза улоқтиришда фарғоналик Абдуғаффор Абдуллаев олтин медаль билан тақдирланди. Қизлар ўртасида тошкентлик Гуласал Ҳайитова ва хоразмлик Салобат Собированинг натижалари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди.

Узунликка сакраш бўйича пойтахтлик Дониёр Солиев, Тошкент вилоятидан Миран Сахатов ва сурхондарёлик Маъруф Муродуллаев, қизлар баҳсида тошкентлик Зилола Сирлиева ғолибликни қўлга киритди.

**ЎзА.**

**Эълонлар**

"PERSEY MASTER" МЧЖнинг устав жамғармаси 413 000 000 сўмдан 213 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Даъволар 338-90-77 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "QIYOMIDDIN UNIVERSAL SAVDO" хусусий корхонасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади. Телефон: 306-33-46.

ООО "ALMAZ DIAMOND" сообщает об уменьшении уставного фонда на 90 000 000 (девяноста миллионов) сум (согласно решению учредителя № 95 от 21.04.2014 г.).

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФУҚАРОЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент вилоят Бош бошқармасида 2014 йил 26 апрелъ куни соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари томонидан вилоят фуқаролари ва тадбиркорларнинг мурожаатлари юзасидан қабул ташкил этилади.

**Марказий банк Тошкент вилояти Бош бошқармаси манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-А уй. (Мўлжал: Ғафур Ғулом метро бекати). Маълумот учун тел.: (+99871) 244-55-52, 244-41-48.**

Қабулга фуқаролар паспортлари билан келишлари лозим.

Одамийлик шеваси

## ОТАЖОНИМ ҲАЁТ БЎЛСАЙДИ...

Бекатда одам тирбанд. Ҳадеганда Ангрен автобусининг дараги бўлавермади. Вақт шомга яқинлашаётгани боис йўловчилар нархига ҳам қарамай, таксига чиқиб кета бошлашди. Мен ҳам бир-икки йўловчи билан "Нексия"га шоша-пиша ўтирдим.

Ҳайдовчи йўловчиларни зериктирмаслик учунми, суҳбатни авж олдирди:

– Онамни кўриб келаяпман. Кексайиб, инжиқ бўлиб қолганлар. Бир ойда бир келмасам, аразлаб, гапиргилари ҳам келмайди.

– Қарияларнинг бори яхши, кўнгилларига қараган фарзанд кам бўлмайди.

– Э-э, опа, нимасини айтасиз. Онамга зўр жемпер совға қилиб қайтаяпман.

Ўғлининг совғасидан хурсанд бўлиб кетган онаизорни кўз олдимга келтириб:

– Биз фарзандларимиз учун елиб-югурамиз, тиним билмаймиз. Ўз вақтида оналаримиз ҳам худди асалари сингари тиниб-тинчишмаган. Уларга ҳар қанча хизмат қилсак оз, – деб қўйдим.

– Отам эрта ўтиб кетганлар, – деди ҳайдовчи. – Онам мен билан синглимни ўйлаб, қайта турмуш қурмадилар. Бинойидай юргандилар, бирданига ғалати қилиқлар чиқариб, инжиқ бўлиб қолдилар.

Ўғил-қизларини оёққа турғазиш учун елиб-югурган, чумолидек тиним билмай, етмишга етиб, ёруғ оламни тарк этган онаизорим кўз олдимга келиб, оғир хўрсиндим. Бу орада ҳайдовчи икки марта телефонда аёли билан гаплашди:

– Олиб бораман, хавотирланманг, аяси, кеча айтмабсиз-да, Тошкентдан арзонроққа олган бўлардим. Майли, ҳали дўконлар ёпилгани йўқ, оламан...

Манзилга етай деганимизда, ҳайдовчи машинасини тўхтатиб, бекатдаги дўкондан хотини буюрган нарсани олди. Мен ҳам ширинлик харид қилиб, йўлда давом этдик. Ҳеч қанча юрмасимиздан бояги дўконда ишлаётган таниш сотувчи йигит менга телефон қилиб қолди:

– Опа, кеч бўлганда Саттор билан нима қилиб юрибсиз?

– Ким у? – сўрадим ажабланиб. – Ҳм-м, ишдан қайтаяпман...

– Онасини кўриб қайтаётгандир-да, суллоҳ...

– Ҳа, шундай дегандек бўлди, – ажабландим.

– Икки йилча бўлди, номард Саттор хотинининг гапига кириб, онасини Мурувват уйига олиб бориб ташлаган. Ялтироқ қуртнинг ўзи у. Ойим Сатторнинг онаси билан битта маҳаллада улғайишган. Бечора Меҳринисо холага роса ачинадилар. Шу Саттор билан синглисини деб роҳат кўрмаган, дейдилар. Сизга одамларга қилган "яхшиликлари"ни айтиб, роса мақтангандир? У тулакнинг гапига ишонманг, ўз онасидан ор қилиб, ундан воз кечган ўғилнинг мурдадан нима фарқи бор?

"Фарҳоджон, кейин гаплашамиз" деганча, телефонимни ўчирдим. Хотиржам рулни бошқариб бораётган ҳайдовчига тикилиб қолдим. Одамнинг оласи ичида бўлади. Лекин хотинига ҳурмати баланд, оилапарвар одамга ўхшайди.



Манзилга етганимизда ҳайдовчининг телефони яна жиринглади:

– Ҳа, аяжониси? Йўқ, хотиржам бўлинг, олиб келмаяпман, аммо ойимнинг уйга қайтгиси бор эди.

Баданимдан муздек тер чиқиб кетди. Бир соат аввал унга ҳавас билан қарагандим. Эсиз, эркаклик шаъни...

Ҳайдовчининг қўлига пул тутарканман, журъат қилиб сўрадим:

– Ойингиз неча ёшда?

– Етмишга кирдию батамом эзма, инжиқ бўлиб қолди. Шунга Тошкентдаги санаторийга ташлаб келаяпман, балки чигили ёзилиб қолар, – деди.

Ортиқ гапиришга тоқатим қолмади. Бир сўз демай, нари кетдим.

Бу воқеа менга устозим Камола опани эслатди. Устозга меҳрим баланд эди, унга ўхшаб юргим, гапиргим, ҳатто кийингим келарди. Кунларнинг бирида ҳамкасбимизнинг йиғинига бордик. Устозим тўрда чиройли нутқ ирод қилиб, йиғилганларга янги шеърларидан ўқиди. Аммо шу хонанинг пойгагида унинг саксондан ошган оппоқ соқолли отаси ўтирарди. Бир-икки меҳмон хижолат чеккан бўлиб, отани тўрга ўтқазмоқчи бўлишди. Аммо ота кўнмади. Шу пайт сергакланган устозим мезбонга шивирлаб, отасини ташқарига чиқариб юборишни тайинлади. Мезбонлардан бири отани қўярда-қўймай, ташқарига олиб чиқиб кетди.

Кетар чоғимизда ўша мезбондан кекса одам йиғинга нега келганини сўрадим.

– Э-э, опа, нимасини айтасиз, Жўравой ота қизининг шеърини тингламоқчи бўлиб келувди, опа эса отасининг эгнидаги эски-туски либослардан уялиб денг...

Шеригим менга, мен шеригимга қараганча, қотиб қолдик. Ногаҳон шеригимнинг кўзлари намланиб, менга юзланди:

– Эҳ, сингилжон, оқибат ҳақида шеърлар ёзганлар унга ўзлари амал қилишмайдими? Оҳ, қанийди, эски чопонга ўраниб юрсаям, менинг отажоним ҳаёт бўлсайди...

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**




### ҲАЛОКАТ САБАБИ НОМАЪЛУМ

**Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида енгил моторли самолёт ҳалокатга учраб, ёниб кетганлиги оқибатида 8 киши ҳалок бўлди, деб ёзади Associated Press агентлиги маҳаллий ҳукумат хабарига таяниб.**

Самолёт бортида 11 парашютчи бўлиб, улардан 3 нафари фожиа юз беришидан аввалроқ сакрашга улгуришган эди. Ҳалокат сабаблари ҳозирча аниқ эмас. Бироқ, терговчиларнинг айтишича, воқеа гувоҳлари авария содир бўлишидан аввалроқ самолётнинг айрим қисмлари учиб кетганлигини маълум қилишди.

Ҳалок бўлган 8 кишининг жасади самолёт корпусида қаттиқ куйган ҳолда топилди. Соғ қолган уч киши енгил жароҳат олишган ва ҳозир улар шифохонада даволанишмоқда.

### ЖАНГАРИЛАР ҚИЗЛАР МАКТАБИГА ҲУЖУМ ҚИЛДИ

**Нигерияда жангарилар қизлар учун мўлжалланган мактаб ҳамда давлат муассасаларига ҳужум қилишди. Би-Би-Си агентлигининг таъкидлашича, ҳужумни "Боко Харам" ислом гуруҳи уюштирган.**



Жангарилар мактабнинг ўқитувчилар хонасига ўт қўйишди. Фаоллар зали ҳамда яқин атрофда бўлган автомобилларга зарар етказишди.

Ҳуқуқ-тартибот қўриқчиларининг сўзларига қараганда, ҳужум чоғида 5 ёшли ўғил бола ҳалок бўлган. Бироқ, шу яқин атрофда яшовчи 200 га яқин ўқувчи-қизлар жабр кўришмади.

Илгари ҳам "Боко Харам" гуруҳи вакиллари 120 ўқувчи-қизларни ўғирлаб кетганди. Улардан фақат 44 нафаригина озод бўлди, қолганларининг қисмати эса ҳамон номаълум.

"Боко Харам" ибораси ўзбек тилида "ғарб таълими – гуноҳ" деган маънони англатади. АҚШ "Ал-Қоида" ташкилоти билан яқин алоқада бўлган "Боко Харам"ни 2013 йилнинг ноябрида чет эл террорчи ташкилотлари рўйхатига киритган.

### КЎМИР КОНИДА ПОРТЛАШ

**Хитойнинг Юньнань вилоятидаги кўмир конида газ портлаши оқибатида 13 шахтачи ҳалок бўлди, деб хабар тарқатди маҳаллий оммавий ахборот воситалари.**



Фожиа содир бўлган пайтда шахтада жами 56 киши ишлаётган эди. Портлашдан сўнг 42 ходим шахтани мустақил ташлаб чиқишга муваффақ бўлдилар. 14 кишини эса тупроқ босиб қолди.

Қутқарувчилар зудлик билан ишга киришиб, 13 қурбоннинг жасадини топишди, бир шахтачи қидириляпти.

### ҚУРБОНЛАР ОЛТМИШ КИШИДАН ОШДИ

**Жанубий Кореянинг сувга ғарқ бўлган "Севол" пароми қурбонлари 64 кишига етганлигини маълум қилди Reuters агентлиги.**

Ҳалок бўлганларнинг 37 нафари эркаклар, 27 нафари аёллар. Қидирув ишлари олти кундан буён давом этаяпти. 174 киши ҳалокатдан омон қолди, 238 киши бедарак йўқолди. Бундан буён қидирув ишлари янада тезлашиши кутилмоқда. Чунки об-ҳаво шароити яхшиланиб бораяпти.

Тахмин қилинишича, кема сув ости қоясига қаттиқ урилиб, тез чўка бошлаган. Ўнлаб одамлар муздай сув ичида қолишган.

Кема бортида кўплаб мактаб ўқувчилари ва уларнинг ўқитувчилари бўлиб, улар экскурсияга чиққан эдилар.

### МИСР ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ИККИ КИШИ ДАЪВОГАР

**Маълумки, шу йил май ойида Мисрда президент сайловларини ўтказиш режалаштирилган. Reuters агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, унда икки номзод иштирок этади.**



Президент сайловлари бўйича қўмитанинг маълумотларига мувофиқ, президентликка даъвогарлик учун ариза топшириш муддати тугагунга қадар, фақат икки киши мурожаат қилишга улгурган. Уларнинг бири собиқ мудофаа ва ҳарбий саноат вазири, генерал Абдул Фаттоҳ ас-Сиси бўлиб, у президент Муҳаммад Мурсийни ағдаришда иштирок этганди. Иккинчи номзод Миср парламентининг собиқ аъзоси Ҳамдин Сабоҳий. Умуман, номзодларнинг расмий рўйхати 2 май куни эълон қилинади. Сайловлар эса 26-27 май кунлари бўлиб ўтади.

Кузатувчиларнинг таъкидлашларига қараганда, ас-Сисининг имкониятлари кўпроқ. Чунки у мамлакатда сезиларли обрў-нуфузга эга.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Жиноятга жазо муқаррар

## БАҲОР ЭНДИ ҚАЙТМАЙДИ

**Фурқат Омонов суд ҳукми билан 18 йилга озодликдан маҳрум этилди.**

**У Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ишларди. Кўпчилик ҳавас қиладиган бу салоҳиятли жамоада озми-кўпми, ўз ўрнини топиб бораётганди. Борига қаноат қилса, олаётган маоши рўзғорига етиб турганди. Туппа-тузук оиласи, бинойидек турмуши бор эди.**

**Ёшлик – умрнинг гул фасли. Афсуски, унинг қадрини билмайдиганлар, йигитликнинг шукуҳли онларини кўра-била туриб нафс ботқоғига ғарқ этадиганлар бор.**



Ажаб, Фурқат кун келиб, озодликка чиққанида, сочига оқ, юзига ажин тушган, уч норасида фарзанди бўйига етган бўлади. Ана шунда эҳтимол, тараллабедод кунларини эслаб, бой берган умрига, тирик етим бўлиб ўсган фарзандларига ачинар. Юраги тилкапора бўлар. Аммо, унда вақт ўтган, у кутган поезд аллақачон манзилга етган бўлади.

Унинг шериклари-чи? У билан йўқ жойдан бойлик орттириб, офтобда ҳолва яламоқчи бўлган Садриддин Қодирхонов-чи? Асли Тожикистон фуқароси бўлган, вақтинча Олмалиқда яшаётган бу кимсанинг Фурқат билан танишишдан, уни ғаразли режаларига шерик қилишдан мақсад-муддаоси нима эди?

Судда иқрор бўлишича, Фурқат таниши Садриддин ва унинг Тожикистон Республикасида яшовчи акаси Зуҳриддин Қодирхонов ҳамда бу кимсаларнинг дастлабки тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган Ғафур, Собир каби ҳамтовоқларининг гиёҳванд моддалар олди-соттиси билан шуғулланишларини била туриб, уларга эргашди. Мақсади бойлик орттириш, сийқа ҳавасларига эришиш бўлган Фурқат буюртмачилар талабига кўра шахсий "Нексия" машинасида мамлакатимизга қўшни республикалардан контрабанда қилинган захри қотилларни манзилдан манзилга етказиш, зарур ҳолларда уйида вақтинча сақлаб туришни зиммасига олди. Бунинг эвазига қўли қуруқ қолмади, албатта.

Текин пул қўлни қичитади. Ютгани ҳазм қилаверган одамнинг иштаҳаси борган сари карнай бўлаверади. Бир-икки уринишлари ими-жимида битган Фурқат юқорида номлари тилга олинган ҳамтовоқларининг хос одамига айланди-қолди.

Кўза кунида синади. Жиноий гуруҳ аъзолари Садриддин ва Фурқат икковлон 2013 йилнинг 31 январь куни навбатдаги "ов"га отланишди. Келишувга кўра, Собир ва Ғафур Тожикистон Республикасидан Бекобод тумани ҳудудига олиб ўтган гиёҳвандлик моддаларини аввалдан тайинланган шахсга топшириши зарур эди. Бундай ишни биринчи бор қилмаётганлари учунми, шоввозлар ҳеч иккиланишсиз, шу куни кеч соат 20 ларда айтилган манзилда "юк"ни қабул қилиб олишди. Садриддин 4 ўрамдаги гиёҳвандлик воситасини ўзи ўтирган ўриндиқ тагига жойлаб, "ҳайда" деб имо қилди. Фурқат "Нексия"сини учирганча, Олмалиққа шошди.

... Пискент туманидан Олмалиқ томонга елиб бораётган машина шу вақтда мазкур трассада гиёҳвандлик моддалари контрабандасига қарши тадбир ўтказаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари назаридан четда қолмади. Патруль ходимининг тўхташ ишорасига бўйсунмаган "Нексия" шубҳали кўриниб, тезкор ходимлар унинг изидан тушишди.

"Нексия" Олмалиқ шаҳар Москва кўчасидаги 5-уй олдида тўхтаб, ундан тушган икки қочоқ ҳаллослаганча, кўп қаватли уйнинг 25-хонадонига яширингани маълум бўлди. Хонадон кўздан кечирилганда, полиэтилен ўрамдаги 3 дона сақичсимон гиёҳвандлик воситасига ўхшаш ашё ва бир дона қора рангли целлофан пакетдаги ўзига хос ҳидли, "марихуана"ни эслатувчи ўсимлик бўлаклари ҳамда 223 дона 100 талик АҚШ доллари топилиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт криминалистика марказининг тегишли хулосаларига кўра, мазкур ашёвий далиллар 3.702,59 грамм "опий" ҳамда 20,97 грамм "марихуана" гиёҳвандлик моддалари экани маълум бўлди. Худди шу хонадондан топилган 223 дона 100 талик АҚШ доллари... қалбаки бўлиб чиқди.

Тергов-суриштирув жараёнида аниқлик киритилишича, жиноий гуруҳ аввалдан тил бириктириб олган шериклари билан қонунга хилоф равишда чет эл валютасини қалбакилаштириш билан ҳам шуғулланиб келишган.

Шундай қилиб, "аср вабоси"ни тарқатиб юрган яна бир жиноий гуруҳнинг пайи қирқилди. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазоланди.

Аттанг, жиноий тўданинг энг навқирони бўлган Фурқат Омонов ёшлик умрининг ўттизинчи баҳорини темир қафас ортида кутиб олди. Энди умрининг 18 йилини орзу-ҳавассиз, мақсад-муддаосиз, тутқунликда ўтказишга маҳкум бўлди. Фурқат учун баҳор энди қайтмайди.

**Ботир ТОШБЕКОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Даврон АҲМЕДОВ
Навбатчи Ҳасан САЪДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9716. Адади 15851. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.20.